

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров	
Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва	
моҳияти.....	101
Т.Ахмедов	
Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни	106
Ғ.Раҳмонов	
Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган	
ислоҳотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов	
Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари	
темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли	
манба сифатида.....	115
Р.Расулова	
Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
А.Сабирдинов, Д.Муратова	
Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов	
Ўзбек миллӣ адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова	
“Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138
ТИЛШУНОСЛИК	
Ғ.Хошимов, Н.Комилова	
Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар	
майдонининг қиёсий тадқиғи	144
Н. Умарова	
Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм	
структураси.....	149
Г.Розикова	
“Девону луготит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши	155
А.Базарбаева	
Инглиз тили дарслекларида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева	
Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова	
Замонавий ўқув лугатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова	
Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг	
шаклланиши	172
Б.Сулаймонов	
«Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ф.Тошпўлатова	
Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш	
тамоийллари	180
Г.Сайдова	
Бошлиғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва	
воситалари	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грусдков, В.А.Каримов	
Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	

УДК:42/48+004.13

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИДА МАШҚЛАР ТАҚДИМОТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

THEORETICAL BASES OF PRESENTING EXERCISES IN ENGLISH TEXTBOOKS

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗЛОЖЕНИЯ УПРАЖНЕНИЙ В УЧЕБНИКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

А.Базарбаева¹

¹А.Базарбаева

ФарДУ, инглиз тили ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада инглиз тили дарслекларида тил ўқитиши машқларининг қўлланилиш тарихи ва машқларнинг дарслекларда берилиши асослари ёритилган. Инглиз тилини ўргатишида қўлланилган кўплаб методларда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар кўрилган. Ўрганувчиларни мулокотга тайёрлашда мухим аҳамиятга эга бўлган лингвокультурологик машқларни қўллаш омиллари келтирилган.

Annotation

В данной статье освещается история использования языковых упражнений и основы их подачи в учебниках английского языка. Рассмотрены проблемы, которые могут возникнуть при обучении английскому языку с помощью старых методов. Перечислены факторы применения лингвокультурологических упражнений, которые важны для подготовки учащихся к общению.

Annotation

This article discusses the history of the use of language training exercises and the basics of giving it in textbooks of English language textbooks. The problems which may occur when teaching English with the help of old methods are illuminated. Factors of applying linguocultural exercises, which are important in preparing learners to communication, are listed.

Таянч сўз ва иборалар: дарслек, тил ўқитиши машқлари, хорижий тилларни ўқитиши методлари, машқлар типологияси, коммуникатив ёндашув машқлари, лингвокультурологик омиллар.

Ключевые слова и выражения: учебник, языковые упражнения, методика преподавания иностранных языков, типология упражнений, упражнения по коммуникативному подходу, лингвокультурологические факторы.

Key words and phrases: textbook, language teaching exercises, methods of teaching foreign languages, typology of exercises, communicative approach exercises, linguoculturological factors.

Дарслеклар ва уларда тақдим этиладиган машқлар инглиз тилини ўқитишининг доимо ўзгариб турувчи ва ўсиб борувчи талабларига, хорижий тил ўқитиши борасидаги изланишлар ва назарий конструкциялар, ахборот технологияларидағи ривожланиш ва дарслекларнинг ўқитиши жараёнидаги аҳамияти борасидаги қарашларга мос равишда ўзгариб, ривожланиб бораверади. Ўқитиши жараёнда дарслеклар ва ўқитувчининг кўрсатмаларига ва бераётган билимiga қўшимча сифатида кўрилса, кўплаб ўқитувчилар учун дарслеклар дарс мазмунининг асосини: ўргатилаётган кўнилмалар мувозанатини ва берилаётган машқларнинг турларини ташкил этади. Инглиз тили ўрганувчилари учун дарслеклар тил билан алоқанинг ўқитувчидан кейинги асосий манбасидир. Дарслеклар асосида

биз мувозанатлаштирилган ва самарадор ўқитиши дастурларини яратишимиш мумкин. Дарслекларнинг самарадорлигини белгиловчи қатор омиллар мавжудки, биз уларга кўра инглиз тили ўқитиши жараёни учун эфектив бўлганларини танлаб олишимиз мумкин. Бу омиллар замонавийлик, мазмунан мослик, лингвистик ва маданий хилма-хиллик назарда тутилганлиги, иллюстрацияларнинг аниқлиги ва менталитетга мослиги, дарслекка бириктирилган аудиоларнинг аутентивлиги, дарслекда келган машқларнинг турли ўрганиш услубларига мослиги, дарслекда берилган машқларнинг гуруҳ ишларини ташкиллашга мослиги, дарслекда берилган машқларда ўрганувчилар аввалги тажрибаларини янги билимлар билан боғлаб, машқ қилиш имконияти мавжудлигидир.

ТИЛШУНОСЛИК

Инглиз тилини ўқитиш XX асрда катта ўзгаришларга учради. Бу ўзгариш, айниқса, бошқа фанларни ўқитиш методологиялари билан солиширганды сезилади. XVII, XVIII, XIX асрларда инглиз тилини ўқитиш потин ва грек тилларини ўқитишнинг классик услублари билан боғлиқ бўлган. Бу пайтда грамматик қоидалар, синтактик структуралар, луғат ёдлаш ва матннинг сўзма-сўз таржимаси муҳим аҳамият касб этган. Бу метод оғзаки нутқ амалиётини умуман назарда тутмаган [1]. Фикримча, потин ва грек тилларини ўрганишда қўлланилган бу усулни инглиз тилини ўрганишда қўллаш пайтида муҳим бир факт назарда тутилмаган. Потин ва грек тиллари мuloқot учун эмас, “саводли” ва “элита” қатлам учун зарур билим ҳисобланган. XIX асрнинг охирига келиб тил ўрганишнинг бу усули “Грамматика ва таржима методи”, деб юритилган ва у ўзида грамматик қоидаларни ўрганиш ва грамматик машқларни бажариш ҳамда ўрганилаётган тилда берилган матнни она тилига таржима қилиш машқларини ўз ичига олган. Табиийки, бу даврда яратилган дарсликлардаги материаллар ва машқлар худди шу методга асосланган. Аммо, тан олиш керакки, синтактик структурани ўрганишга қаратилган ва мuloқot компетенциясини шакллантиришга умуман алоқаси бўлмаган машқлардан иборат бу метод ва унга асосланган машқларни ўз ичига олган дарсликлар ҳали-ҳануз тил ўргатиш жараёнида жуда кенг қўлланилади. XIX асрнинг сўнгги икки ўн йиллиги янги асрга йўл кўрсатар экан, Франко Гуин ўзининг “Хорижий тилларни ўқиш ва ўрганиш санъати” асарида ўқитиш ва ўрганишнинг нозикликларини эгаллашда ёрдам берган ўзининг олмон тилини ўрганиш машққатларини баён қиласди. Гамбург шаҳрида яшар экан, у олмон тилини маҳаллий аҳоли билан мuloқot қилиш ўрнига олмон грамматикасини ва 248 та нотўғри феъл рўйхатини ёдлаб, ўрганмоқчи бўлади. Грамматикани чуқур эгаллаганлигига ишонч ҳосил қилгач, у ўз билимини синаш учун университетга келади, аммо олмон тилида бирорта сўзни ҳам тушуна олмайди. Шундан кейин у олмон тили ўзакларини ёд олади. Гёте ва Шиллер китобларини таржима қиласди, луғатдан 30 мингта сўзни ёд олади ва тил ўрганишда омадсизликка юз тутади. Кейинчалик Гуин

ёш болаларнинг она тилини эгаллаш жараёнини кузата бошлайди. У тил ўрганишнинг сири қабул қилинган билимларнинг концепцияларга айланиши ва шу концепцияларни баён қилишда, деб топади ва бу назарияга асосланган “Қисмлар методи”ни ишлаб чиқади. Бу метод ўрганувчиларга тушуниш ва ўрганиш осон бўлиши учун бир-бирига боғлиқ бўлган гапларни тузиш машқларини ўз ичига оларди [1]. Бундай занжир гаплар машқига қуидаги гапларни мисол қилиб келтириш мумкин:

“I go out. I go walking. I go to the park. I see flowers in the park”.

Қисқа фурсатларда бу метод ўз ўрнини “Тўғри метод”га бўшатиб берди. Метод асосчиси Чарлз Берлиц 2 тилни ўрганиш худди биринчи тилни эгаллаш жараёнига ўхшаган бўлиши керак, деган ғояни илгари суради. Бу методга кўра, тил ўрганишда оғзаки мuloқotга қаратилган машқлардан фойдаланиш, таржимага оид машғулотлар ўтказилмаслиги ва грамматик қоидалар ва синтактик структураларга оид машқлар чекланиши керак бўлган.

Аудиолингуал метод II Жаҳон уруши йилларида америкаликларнинг турли тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқди. Бу метод ўзида қуидагиларни акс эттиради:

- тақлидга асосланганлик ва ибораларни ёдлаш.
- структуравий хусусиятларни занжир усулида ўқитиш.
- ҳеч қандай грамматик тушунтиришнинг йўқлиги.
- луғат бойлигини контекст ёрдамида ошириш.
- аудиотехника ва кўргазмали куроллардан фойдаланиш.
- талаффуз аҳамиятининг юқорилиги

[1] 1964 йилда Вима Риверс такрорлаш ва тақлид чет тилини ўрганишда, ўрганувчиларни мuloқotга тайёрлашда самарасиз, деган ғояни илгари сурди. 1970 йилларда Томскийнинг тилшуносликдаги революцияси тилшуносларнинг ва тил ўқитувчиларининг эътиборини тилнинг чуқур структурасига қаратишга, тил ўргатишда психологик факторларга эътибор қаратишга тортди. Девид Нюонон (1989) бу асосда яратилган методларни барчага мос

келишидан асосланиб, “дизайнер методлари”, деб атади. Бундай методлардан бири Сажестопедия бўлиб, у миянинг бор салоҳиятини ишга согланда катта натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Лазанов (1979) биз ўйлаганимиздан кўра кўпроқ нарса ўрганишга қодирмиз, деб ҳисоблаган. Лазанов ва унинг издошлари тил ўрганиш жараёнида мусиқа ва релаксациянинг аҳамиятини катта, деб таъкидлайди [1]. Бу ғояга таянган Сажестопедия (Suggestopedia) методида лексик машқлар, ўқиш машқлари, ижро (role play) ва драма машқларини мусиқа билан олиб боришни илгари суради.

Сукут методи (The Silent way) ва унинг тарғиботчилари ўрганувчилар мустақил бўлишлари ва тил ўрганишдаги муаммоларни, хусусан, дарс давомидаги машқларни ўқитувчининг кўмагисиз бажаришлари зарурлигини айтади.

1990 йилда Омелли ва Шамот (O'Malley and Chamot) хорижий тилни ўрганишда стратегияларга асосланган инструкцияларнинг аҳамиятини айтиб ўтди ва бу метод асосидаги дарслерлар мотивация машқлари билан бойитилди.

Мулоқотга эҳтиёжнинг ошиб бориши натижасида “Коммуникатив тил ўқитиши методи” вужудга келди. Йиллар давомидаги шаклланган чет тили ўқитиши тажрибаси, мулоқот компетенциясининг конструкцияси аниқланганлиги ва қайта ишлаб чиқилганлиги, ўрганувчилар эгаллаши керак бўлган тил функцияларининг тадқиқ қилингани, тил ўрганиш усуллари ва новербал мулоқотнинг чукур ўрганилгани туфайли ўқитувчилар ва изланувчилар тилни амалий мулоқот машқлари ёрдамида яхши ўзлаштирилдилар. Коммуникатив тил ўқитиши аниқ методлар ва технологияларни ўз ичига олган ёндашувдир.

Бугунги кунда ўрганувчиларни мулоқотга тайёрлаш, чет тилларини мақсадли ўргатиш учун дарслерлар ва ўқитиши жараёнидаги машқларни коммуникатив ёндашувга асоланиб шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Биламизки, машқлар – таълим жараёнининг энг муҳим қисми. Тил ўргатишида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ҳар қандай услуг ёки метод машқларда намоён бўлади. Демак, биз тил ўргатиш методи деганда бир мақсадга йўналтирилган тизимли машқлар

тўпламини тушунишимиз мумкин. Қандай дарс тури ўтказилмасин, қайси кўникмалар ривожлантириш кўзда тутилмасин, машқлар ўқитиши жараёнининг асосидир [2]. Айнан машқларнинг етарли берилмаслиги, тизимли ташкилланмаганлиги тил ўрганиш жараёнининг самарасизлигига олиб келади. Ва, аксинча, синфда хилма-хил машқларнинг мавжудлиги тилни амалиётда қўллаш учун барча шароитларни яратиб беради. Бу эса, ўз навбатида, дарс жараёнига мос машқларни танлашни ўқитувчининг энг муҳим вазифасига айлантиради. Машқларни шакллантириш ва уларни ўқитиши жараёни билан боғлаш тил ўрганишнинг мақсади, ўрганувчининг эҳтиёжи, ўрганиш услуги, билим даражаси, психологияси ва менталитети борасидаги билимларни кузатишини тақозо этади. Машқларни тизимлашдаги энг муҳим омил эса тил ўқитиши учун актуал деб топилган услугуба методлардир.

Чет тилларини самарали ўқитиши жараёнига мос машқларни танлаш жараёни дарс мақсадини тўғри англаганимизда амалга ошади. Энг аввало, биз инглиз тилини ўқитишдан мақсадимизни ва маълум бир дарс машғулоти мақсадини ажратиб олишимиз керак бўлади. Бугунги кунда инглиз тилини ўқитишдан мақсад ушбу тил кўникмаларини эгаллаш ва уларни амалда қўллашдан иборат. Ўрганувчилар инглиз тилини тушунишлари, унда сўзлаша билишлари, ўқиш ва ёзишлари керак. Шундай экан, куйидагилар инглиз тили ўқитишнинг 4та муҳим мақсадидир (aims):

- 1) инглиз тилида ўқиб тушуниш;
- 2) инглиз тилида тинглаб тушуниш;
- 3) инглиз тилида мулоқот қилиш;
- 4) инглиз тилида ёзиш;

Агар юқоридагиларга инглиз тилини ўрганишнинг мақсади, деб қарайдиган бўлсак, энди тил кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган, турли курсларни ташкил этувчи алоҳида дарс машғулотлари мақсадларини (objectives) аниқлаб олиш дарс мазмуни эффективлигининг ва машғулот машқлари изчиллигининг калитидир [3]. Дарс мақсадини аниқлаб олишда биз куйидаги саволларни қўйишимиз керак: нимани ўргатаман?; кимга ўргатаман?; ўргатишмдан мақсад?; қандай ўргатаман?; дарсдан қандай натижага кутяпман?. Агар ўқиб тушуниш курсининг

ТИЛШУНОСЛИК

мақсади ўрганувчиларга инглиз тилидаги матнларни, уларнинг турларини таништириш, турли матн турларига хос бўлган тил услубларини ўрганиш, матнни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўлса, ушбу курснинг алоҳида машғулоти мақсади берилган матн мавзусига оид луғат бойлигини ошириш, матнни тушуниш учун берилган машқ турларини бажариш бўлиши мумкин. Ўқитиш мақсадлари аниқлаб олинганда, ўрганиш услуги ва методларини, технологияларини, машқлар ва материалларини танлаб олиш осон бўлади.

Машқларни тўғри танлашнинг яна бир муҳим омили ўрганувчи эҳтиёжи билим даражаси, ўрганиш услубидир. Симпсон ва Ур (Simpson and Ure) (1994)ларнинг таъкидлашларича, барча ўрганувчилар алоҳида тизим категорияларига, ўзига хос ёндашувга муҳтоҷдирлар. Уларнинг ҳар бирiga ўқув режа, ўрганишга мотивация ва ўз ўрганиш услубларига мос машқлар муҳим[1]. Ўрганувчининг индивидуал ёки гурӯҳ ишларида фаоллигини, ўрганувчи аудиал, визуал ёки кинесетик ўрганувчи эканлиги, интраверт ёки экстраверт шахс эканлигини билиб олиш мақсадга мувофиқ.

Ўрганувчиларни мuloқotga тайёрлар эканмиз, машқларни танлашда күltурологик омилларни ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Мuloқotни қуришда ва уни тушунишда нафакат мuloқotning лексик, синтактик ёки семантик структураси, балки сўзлашаётган кишимизнинг келиб чиқиши, тарихи, турмуш тарзи, қарашлари, яъниким, маданияти борасидаги билимлар ҳам кераклидир. Замонавий чет тилини ўқитишда биз тил ўрганиш жараёнини бир неча компонентлардан, хусусан, грамматик компетенция, коммуникатив компетенция,

тил профессионализми ва ўрганилаётган тил маданиятига нисбатан қараашларни ўрганишдан иборат, деб тушунамиз. Маданий компетенция – қараашлар, урфодатлар, эътиқод, мамлакат тарихи, ҳалқнинг яшаш тарзи ва шу кабилар ўрганилаётган тилда мuloқotga кириша олишнинг асосий омилидир. Инглиз тилини ўқитиш жараёнида фойдаланилаётган машқларга күltурологик элементларни кўшиш ўқитувчидан ўрганилаётган тил маданиятидан хабардорликни ва бу элементларни тўғри танлай билишда педагогик маҳорат талаб қиласди. Крамш (Kramsch) (1993) тили ўрганилаётган тил маданияти ўқиш, ёзиш, эшитиш ва гапириш кўникмалари билан бир қаторда ўрганиш керак бўлибгина қолмай, у ҳар бир кўникманинг асосида туради, дейди [4]. Чет тилини ўқитишда маданий компетенциянинг муҳимлиги асосида биз бошқа мамлакат ҳақида қанчалик кўп билсак, шу мамлакат тилида шунчалик текис мuloқot қила олишимиз ғояси ётади. Ҳеч бир инглиз тили дарслигидаги машқлар тизимли равишда тил кўникмалари ва күltурологияни мукаммал интеграллаштирумайди. Шундай экан, ўқитувчи машқларга күltурологик элементларни киритиши ёки қўшимча маданиятга оид машқларни шакллантириши ва узлуксиз маданий компетенцияни ошириб бориши керак.

Тил билимларини амалда қўллашда ва мустаҳкамлашда муҳим ҳисобланган чет тили ўқитиш жараёнининг асоси бўлган машқларни шакллантириш ва дарс жараёнида қўллаш бир қанча омил асосида амалга ошади. Бу омиллар замон талабларига жавоб берувчи методлардан ва технологиялардан то ўрганувчиларнинг психологиясигача бўлган компонентларни ўз ичига олади.

Адабиётлар:

1. History of English Language Teaching, Dimitrios Thanasoulas <https://www.englishclub.com/tefl-articles/history-english-language-teaching.htm>.
2. Typology of exercises for teaching the foreign language Eshmuratova A. , Tursynova G , Umarova Z. , Aydarova A. 4.
3. The system of exercises in teaching foreign language in schools and universities. Interuniversity collection of scientific papers, ed. Shatilova S. F. L. – 1978. - P. 55.
4. Kramsch, C., & Zhu Hua (2016). Language, Culture and Language Teaching. In G. Hall (Ed.), Routledge Handbook of English Language Teaching (pp.38-50). London: Routledge

(Тақризчи:)